



ХАЛҚ АЗБИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

25 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА. № 40 (768).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

250 МИЛЛИОН СЎМ. БИР ГЕКТАР ЕРДАГИ ТЕРАКДАН АНА ШУНЧА ДАРОМАД ОЛИШ МУМКИН

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҲУКУМАТИНИНГ
ЖУМҲУРИЯТДА ҚУРИЛИШ АШЕЛАРИ ВА
ҚОҒОЗГА БУЛГАН ЭҲТИЖНИ ЎЗ ҚУЧИМИЗ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТУҒРИСИДАГИ ТАШАББУС
ВА ТАКЛИФЛАРИ ИЖОБАТ БҮЛДИ.

РЕСПУБЛИКА Давлат Ҳукумати раисининг
биринчи ўринбосари Ш. Юсуповнинг «Халқ сўзи»
газетасида чоп этилган мақолада (1993 йил 28
июль сонда) шу масала кўтарилган эди. Қўмита
таклифларини атрофлича ўрганиб чиққан Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кун-кеча «Саноат
теракчилигини ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп да-
рахтзорларни барпо этиш чора-тадбирларини тўғриси-
да» қарор қабул қилди. Давлат Ҳукумати раисининг
ушбу қарорини баъжариш юзасидан ишлаб чиққан тад-
бирлари республика ҳукумати томонидан тасдиқлан-
ди.

Муҳбиримиз қўмита раисининг биринчи ўринбо-
сари Шермухаммад ЮСУПОВдан ана шу тадбирлар-
ни атрофлича шарҳлаб беришни ният қилди.

— Президентимиз имзо-
лаган бу қарорнинг дав-
латимиз иқтисодий муста-
қиллигини мустаҳкамлаш
борасидаги қиммати ва а-
ҳамияти беқиёсдир, — де-
ди Шермухаммад Турсу-
нович. — Уни қанчалик
тез ва соф амалга ошириш-
га киришсак, бутун мамла-
катимиз бўйлаб кенг қу-
лоч ёя бошлаган туб иқти-
содий ислохотларимиз яна
бир мустаҳкам жабҳага эга
бўлади. Тез амалга оши-
риш учун ёғочбоп дарак-
тзорлар барпо этишни ҳам-
ма жойда умумхалқ ишти-
га айлантириш лозим.

Соз бўлиши учун эса, бу
умумхалқ иштини аниқ ре-
жа ва тартиб билан олиб
боришга тўғри келади.
Собиқ Иттифок тарки-
бида ақаллигимизда ҳар
йили Россиядан 10 милли-
он куб метрга яқин ёғоч-
тахта келтирилган. Кей-
инги йилларда хўжалик
алоқалари бўзилиб, нарх-
наво кескин ошди, сарф-
харajatлар кўпайиб кет-
гани боис, ёғоч-тахтани та-
шиб келиш ҳам кескин ка-
майдди. Бинобарин, давлат
ва яқна тартибда шахсий
уй-жой қуриш, шунингдек,
меbel корхоналари иши
анча сусайди. Аммо ёғоч-
тахтанинг нархи 500 миңг
сўмдан бир миллион сўм-
гача кўтарилиб кетди, деб

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорлик
ни янада ривожлантириш,
кичик корхоналар, айниқ-
са, қишлоқ жойларда шун-
дай корхоналар барпо
этишни рағбатлантириш,
шунингдек, таҷнл халқ
истеъмол моллари иш-
лаб чиқаришни кўпайти-
риш ва ташкил этишдан
корхоналарнинг иқтисодий
манфаатдорлигини ошириш
ҳамда истеъмол бозорини
шундай моллар билан тў-
лдирish мақсадида Вазир-
лар Маҳкамаси қарор қи-
лади:

1. 1994 йилнинг 1 январь
ридан шаҳарчалар, қиш-
лоқлар ва овуллар ҳудуди-
да янги барпо этилаётган
(жумладан, 1994 йилнинг
1 январигагача ташкил қи-
линган) ва қишлоқ хўжалиқ
маҳсулотини ишлаб чиқариб,
уни қайта ишлайдиган ҳам-
да халқ истеъмол молла-
ри ишлаб чиқариладиган
кичик корхоналар, ёрдам-

чи ишлаб чиқариш ва ҳу-
нармандчилик корхонала-
ри учун барча турдаги со-
лиқлар ва бюджетга тў-
ловларнинг амалдаги миқ-
дорлари уч йил муддатга
50 фоиз камайтирилин.

2. Белгиланган шартлардан
қатъи назар, халқ истеъ-
мол қиладиган гоёт таҷн-
л озиқ-овқат ва ноозиқ-
овқат маҳсулотлари (спирт-
ли, спиртсиз ичимликлар
ва тамаки маҳсулотидан
ташқари) ишлаб чиқарув-
чи корхоналар ва ташки-
лотлар даромад солигини
амалдаги миқдорга нисба-
тан 30 фоиз камайтирил-
ган миқдор бўйича тўлай-
дилар.

3. Корхоналарнинг
иловага мувофиқ қунда-
лик ахтирғи маҳсулотлари-
нинг физик ҳажмларини
ўстиришдан олган даромад-
лари солиқдан озод этили-

Самимий тилақлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Ка-
римов жаноби олийлари!

Муборак рамазон ойи муносабати билан менга
ўллаган табригингиз учун Сизга ташаккур билди-
раман.

Афғонистон мусулмонлари ва шахсан ўз номин-
дан Сизни, жаноби олийлари, Ўзбекистон Респу-
бликасининг барча мусулмонларини муборак рамазон
ойи билан табриқлайман. Ишонманки, ушбу мубо-
рак кунлар Ўзбекистон халқига бахт-саodat келти-
ради. Сизнинг соғлигингиз ва бахт-иқболингизни,
Ўзбекистон халқининг фаровонлигини сўраб Оллоҳ-
га илтижо қиламан.

5. Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
Ўзбекистон Республикаси
Касбийлик Молия вазирлиги
билан келишган ҳолда со-
лиқ олинди мазкур қарор-
дан келиб чиқадиган ўзга-
ришлар муносабати билан
бюджетга тўловлар бўй-
ича корхоналар ва ташки-
лотларнинг ҳисоб-китоблар
тартибини ишлаб чиқсин.

6. Ушбу қарорнинг ба-
жарилишини назорат қи-
лиш. Бош вазир ўринбо-
сари — молия вазири ўр-
тоқ Б. С. Ҳамидов зимма-
сига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 февраль.

И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига илова

РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИДА УЗЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЧОГИДА ИМТИЕЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН ЭНГ ЗАРУР ВА ХАРИДОРГИР МОЛЛАР Р У Й Х А Т И

Энг оддий рўзгор ва хўжалик моллари
Бог-поллиз асбоблари ва анжомлари
Қўл-халқа буюмлари
Рўзгор асбоблари
Кимё-бўёқчилик молларини
Муайянал-чўтка буюмлари, жумладан, ўқувчилар учун
мулкжалланганлар
Идоравий моллар
Мақтаб анжомлари ва ускуналари
Болалар ўйинчоқлари, қўғирчоқлар ва арча безанлари
Болалар техника инжодкорлиги буюмлари
Езув қоғозлари
Электр-иситиш асбоблари ва буюмлари
Электр ускуналари
Электр-рўзгор асбоби

Шахсий гигиена учун энг зарур атторлик моллари
Атторлик ёрдамчи ашёлари
Хотин-қизлар буюмлари
Халқ бадиний ҳунармандчилик буюмлари
Рўзгор ахтирғилари учун сантехника буюмлари
Металл буюмлар, шуруп ва михлар, бошқа маҳкам-
лаш буюмлари
Рўзгор сув иситкичлари, иситиш асбоблари ва ра-
диаторлар
Маҳаллий хомашё ва ёғочсозлик чиқиндиларидан
тайёрلانган тахта
ЭСЛАТМА: юқорида кўрсатилган молларнинг кенг
турларини «Ўзбекистон» давлат уюшмаси ва «Ўзбек-
бирлашу» Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўми-
таси билан келишган ҳолда белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. У. САЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Оқил Умурақович Салимов Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ж. А. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Жўра Абдуллаевич Абдуллаев бошқа ишга ўтгани му-
носабати билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

УНИВЕРСИТЕТДА УЧРАШУВ

24 февраль кунини жаҳон
иқтисодий ва дипломатия
университетларида Бир-
лашган Миллатлар Ташки-
лоти қочқинлари иши бўй-
ича бош комиссарининг Мар-
казий Оснб мамлакатлари
ҳамда Афғонистондаги
вакили Филипп Лабреве
билан учрашув бўлди.
Меҳмон йангилашларга
минтақадаги қочқинлар-
нинг бутунги ҳаёти, улар-
ни ўз ватанларига қайта-
риш учун БМТ томонидан
амалга ошириладиган иш-
лаб, кўрсатилган инсон-
парварлик ёрдами ҳақида
галлриб берди. Афғонистон
ва Тожикистонда суратга
олинган ҳужжатли видео-
фильм намойиш этилди.
Ф. Лабреве талабаларни
қизиқтирган саволларга
жавоб берди.
(У.А.)

Ислохотни изчиллик билан амалга ошириш учун ҳамма имкониятлар ишга солиниши керак!

Президент Ислам Каримовнинг Ўз-
бекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-
камаси йиғилишида сузлаган нутқи
Ватанимиз иқтисоди ва мустақилликни
мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини,
жумладан, чорвачиликда иқтисодий

ислохотни янада такомиллаштириш,
жамом, ширкат ҳамда фермер хўжа-
ликларини ҳар томонлама қўллаб-қув-
ватлаш, улар учун қишлоқда керакли
шарт-шароитларни яратиш йўлида кўр-

сатилган яна бир ғамхўрлик намунаси
бўлди.
Муҳарририятимизга турли масб эга-
ларидан келатган хат-хабарларда, сон-
саноксиз телефон қўғирчоқларида меҳ-
натнашлар ушбу маърузани мамнуни-

Дилимга ёруғлик бағишлади

Вазирлар Маҳкамаси йиғи-
лишида Президентининг сузла-
ган нутқи барча деҳқонлар
чорвалар, бобонлар қато-
ри меннинг дилимга ҳам ёруғ-
лик бахш этди. Унда қиш-
лоқ хўжалигини иқтисодий
ислохотларини янада жадал-
лаштиришга доир муаммо-
лар, кўнлар аниқлаб етмаган
ечимлар тилга олинди.
Қишлоқ хўжалигини туб-
дан ислох қилиш мустақил-
лигимиз, келажакимиз тақ-
дирини белгилаши билан
қундай аён. Шунинг учун
Президент ўз нутқида тилга

фойдаланилса бас. Чет эл-
ларда қишлоқ хўжалигини
юмушлари билан аҳолининг
ниҳоятда кам қисми шугул-
ланса-да, самарадормад соҳага
айланган чора-тадбирлар
қуришни талаб этади. Мам-
лакатимизда бунинг учун
шарт-шароит етарли. Фақат
улардан омиликорлик билан

Президент ўз нутқида
чорваларлар, фермерлар ва
пахтакор хўжаликлар билан
бир қаторда богдорчилик
соҳасида ҳам ислохотлар
ўтказиш зарурлигини айтиб
ўтди. Эндиликда боглар ва
узумзорларнинг кичирок
уасткалари асосий фондлар
ини сотиб олиш шарти билан
хусусий мулк қилиб берил-
диган бўлди. Бу богдонлар
инида тубдан ўзгартиш яса-
шига шубҳа йўқ.
Жуманазар
ЖУМАНИЕВОВ,
«Ўзбеки-
стон» жамоа
боғдорчилик
бригадаси
бошлиғи.

БОШИМ ОСМОНГА ЕТДИ

Президентимизнинг 18
февраль кунини Вазирлар Маҳ-
камаси йиғилишида сузлаган
нутқини диққат билан ўриб
қилдим. Унда мустақил рес-
публикамизда қишлоқ хўжали-
гини иқтисодий ислохотларни
жорий қилишнинг бутун-
ги ахволи чуқур таҳлил қи-
линди, бу борада келгусида
бўлган вазифалар аниқ-рав-
шан белгилаб берилди.
Ушунга деҳқон бўлаётганим
учун кўрбошимизнинг:
«Дунёда ўзбек заминига
тенг келадиган заминнинг
ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига
тенг келадиган захматнаш
ҳам дунёда топилмайдиган
деган гапларидан бошим ос-
монга етди. Дарҳақиқат,
бизнинг еримиз ниҳоятда
уномли. Шонр Абдулла Ори-
пов айтганидек, кетмон со-
пини сўкса, кўнаради. Ле-
кин ҳамма гап деҳқоннинг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич!

Сизнинг Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройи
меъморий ансамбли инжодкорларига Алишер Навоий
номидagi мунофотини бериш тўғрисидаги Фармони-
нгизни «Народное слово» газетасидан катта ҳадиюн
ва қувонч билан ўқидим.

Тошкентда Шароф Рашидович Рашидов топши-
риги ва раҳбарлиги остида Халқлар Дўстлиги саро-
нлек улкан маданият макмуини лойиҳалаш ва
бунёд этиш мен ва менинг меъмор, рассом ва му-
ҳандис ҳаммасларим учун катта шараф бўлган
эди.

Бир неча йил мобайнида куч ва иқтидоримни
бағишлаган бу ишнинг шунчалик юксак баҳолага-
нингиз учун, мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Сиз-
дан беҳад миннатдорман.

Муносиб кўрилганим — Алишер Навоий номи-
даги юксак мукофот учун билдираётган ченсиз ми-
натдорчилигини, Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзе-
бекистон халқига бўлган ҳурмат-эҳтиромини қабул
қилдим.

Мен 1964 йилдан буюн меъмор сифатида ик-
кинчи Ватаним бўлиб қолган Тошкент учун ҳали
кўп ишлар қилшдан боумидман.
Энг эзгу тилақлар билан

Е. РОЗАНОВ,
Москвадаги меъморлик халқаро академиясининг
президенти, Россия бадин академияси ва Рос-
сия меъморчилиги ҳамда қурилиш фанлари ака-
демиясининг ҳақиқий аъоси, СССР халқ меъ-
мори.
Москва.

Бошқарувнинг қуёш буғинларида

ОҚИБАТ УСТИВОР БУНДА

Наманган шаҳридаги йирик маҳаллалардан бири «Артелебод»да олиб борилаётган ишлар кўпчилиги учун иборат бўлаётган...

дўкон, пойабзал тузатиш устaxonаси, хуллас, маҳалла аҳлининг қундалик эҳтиёжи учун барча зарур иншоотлар бор...

таларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги кўчалар, йўл, кўприклар қуриш...



Илгари хабар қилганимиздек, ноёб мейморчилик лойиҳаси асосида қурилган Самарқанд темир йўли вокзали шаҳар ҳуснига хусус қўшиб турбди...

Таққалланган локомотив депо жамоаси аҳли билан меҳнат қилишмоқда. Яқин келажикда Жўзасх-Самарқанд Қарши оралиғида электр поездларнинг қатновини йўлга қўйиш тарафдорлари кўриляпти...

ҚИСКА САТРЛАР

СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА

«НАВОИЯЗОТ» бирлашмасида халқ истеъмол моллари тайёрлаш кенг йўлга қўйилганлиги сабаби картоннинг қадри билиниб қолди...

ФАБРИКАДА... ЗАМБУРУҒ

НАВОИЙ паррандачилик фабрикасида истеъмол замбуруғларини етиштириш йўлига қўйилди...

М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КАМ УЧРАЙДИГАН ВОҚЕА

Тожикистон Республикаси Олий суди ҳаёда жуда кам учрайдиган ишнинг қўрилиши...

Маълум бўлишича, Турсуновнинг марҳум кенжа ўғли қўшисининг сиргини ўғирлаб, сотиб юборган...

Бироқ, суд ҳукми ҳам охиригача етолмай қолди. Қайер, алам ва уятга чўқибмаган ота қаморхонада ўз жонига қасд қилди...

Э. НУРБОВ.

ИБРОХИМ МҶМИНОВ НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ

ШОФЕРКОН тумани ҳокими Ёшлар уюшмаси билан ҳамкорликда шундай стипендия таъсис этишга қарор қилди...

Маннон ОТАВОН, «Халқ сўзи» мухбири.

МУСУЛМОНЛАР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Олмонийлик ойнаи жаҳон инқилоблари Бухоро мусулмонлари ҳақида ҳужжатли фильм яратди...

Илхом САФАР, ЎзА мухбири.

ҚАБРИСТОН — ЗИЕРАТГОҲ

Денов тумани ҳокимининг қарори билан Наврўз арафасида барча қабристонлар ободонлаштирилиб, атрофи девор билан ўралди...

Ч. ТҶҲТАЕВ, ЎзА мухбири.

ЭПЛАГАН ЭВИНИ ҚИЛАДИ

ИҚТИСОДИЙ тақчиллик нақадар бўлиб кўрсатмоқчи бўлсада Марҳамат электр жиҳозлари қорхонаси тадбиркорлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътиборини қўяётганлиги...

Урол СОДИҚ ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

БОЗОР УДУМЛАРИ ТИКЛАНМОҚДА

Қўдон шаҳридаги «Роҳат» озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони биринчилардан бўлиб хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига айлантирилган эди.

Фирма 1993 йил 6 сентябрда ўз фаолиятини бошлади. — дейди унинг бошлиғи Нуралла хон ҳожи Абдуллоҳ биз билан суҳбатда...

Иш юритилиши хусусий турғина Уганимиздан сўнг биринчи навбатда банкда ўзимизнинг ҳисоб рақамини очдик. Патта ёрлиғи (чек дафтари)га эгамиз...

Дарҳақиқат, «Роҳат» дўконидаги ранг-баранг, тадбиркорнинг йўли очик...

Шарҳиондаги «Зайли ва мон» кичик қорхонаси асосан пластмассадан ишлаб, уйинчоқ, енгил машина учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарар эди...

Корхонада янги безак қончилари ва шипа идиш чеки барпо этилмоқда, — дейди қорхона бошлиғи Худойберди Абдуллаев...

Иқтисодий чорраҳасида

УРГАНЧ ШИНАСИ

Урганч шина таъмирлаш заводидида дастлабки қадам тарафда «ВАЗ» ва «АЗЛК» русулни автошиналарнинг таъмир шиналарини ишлаб чиқариш йўлига қўйилди.

Янги қорхона учун технология жиҳозлар ва қўлашнинг дастлабки туркумини Ярослав шина заводи...

эмасми, жуда кўп саёхатчилар келишади. Улар ааним Хўндага оид ёдгорликлар сотиб олишни исташади...

Сўхбат асосида яна шу нарса аён бўлдики, дўкон ахли хариддорларнинг талабларини ўрганиб чиқиб, иш соатини икки соатга узайтирибди...

Ушбу дўконда қадимги миллий қадриятларимиздан бири — «бозори шаб» қайта тикланганини айтиб ўтиш жоиз...

Даромад қанча кўп бўлса, дўконга ҳам, ўзимизга ҳам шунча фойдали бўлишига амин бўлмоқдамиз...

Хусусий фирма ишчи-хизматчилари, шунингдек, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳам иланишляпти...

Бундай дўконлар сони кўпайиб, пештахталарда турли-туман маҳсулотлар сероб бўлаверса...

Абдуназар ХУДОИНА-ЗАРОВ, Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Даражада қондириш имкони беради. Ишлаб чиқариш жараёни тақомиллашуви билан маҳсулот турлари ҳам орта боради...

ЕМ-ХАШАКДАН ҚИЙНАЛИШМАДИ

Фориш туманидаги «Фориш» хўжалигининг бош қўли Зикр Эрденов ўтган йили шартнома асосида 350 гектар ерда галла етиштирди...

П. ТОЖИБОВ.



250 миллион сўм. Бир гектар ердаги теракдан ана шунча даромад олиш мумкин

Агар улар биринчи йили ойига қанда бир марта сугориб турилмаса, кўпи амал олмай, ноубуд бўлади...

Шаксини томорқалар ва улар атрофидаги бўлган ерларга, йўл ёқалари, зовур ва сув ҳавзалари бўйларига терак қаламчалари...

Вазирлар Маҳкамасининг қарорини белгиланганидек, жўриқдаги тартибда жўмхўриятимиз ҳудудига 10 минг таноб майдонга ҳар йили терак ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп қоратол, шумтол, санатбоп ёнғоқ, элдор қарағай (сосна) экти...

Ана энди бунинг иқтисодий самарасини ҳисоб-китоб қилиб қўйилди. Бир гектар ерда ўртача 500 куб метр терак ёки бошқа ёғоч чиқарилади...

Теракнинг прессланган ёғоч рангли металллар ўрнида шовқинсиз ишлайдиган шестерна ва подшпильниклар тайёрлаш учун ишлатилишини кўпчилик билан...

металлга яқин бўлганларга қараганда бир неча баравар кам ейнади...

Теракдан қоғоз тайёрлашнинг имкониятлари жуда кенг. Қўпгина хорижий мамлакатларда аъло навли қоғоз асосан теракдан олинади...

Маълумки, кейинги йилларда экологик муаммолар ҳақида жуда кўп гапирилаётипти...

Зеро, энг ривожланган давлатларда ҳам терак энди ёғочбоп дарахт ўстириш ва умуман, ўрмончилик ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилиши...

Сўхбатни «Халқ сўзи» мухбири А. Йўлдошев эътиб олди.

ҳаммасини ўз ерларимизда ўсиб етилган терак, тол, тут, ёнғоқ ва қайрағоқлардан тайёрлаганлар...

Теракнинг яна бир афзаллиги шунки, гўлтурт асосан унинг қолдиқларидан ишлаб чиқарилади...

Зеро, энг ривожланган давлатларда ҳам терак энди ёғочбоп дарахт ўстириш ва умуман, ўрмончилик ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилиши...

Қолаверса, қадимда отабоболаримиз четдан ёғоч тахта ташиб келмаганлар.

Иқтисодий тақчиллик нақадар бўлиб кўрсатмоқчи бўлсада Марҳамат электр жиҳозлари қорхонаси тадбиркорлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътиборини қўяётганлиги...

Урол СОДИҚ ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ АССОЦИАЦИЯ

диннинг соғлом туғилиши ва ўсишини истади. Республикада тузилган «Экологик дастурларни қўллашда аёллар ассоциацияси» ана шу аҳолининг олдиди олишга хизмат қилади...

ЭКОЛОГИК АССОЦИАЦИЯ

Экологик ассоциациянинг мақсади мамлакатимиз ва Марказий Осиёнинг соғлом туғилиши ва ўсишини истади...

ИҚТИСОДИЙ ТАҚЧИЛИК

Иқтисодий тақчиллик нақадар бўлиб кўрсатмоқчи бўлсада Марҳамат электр жиҳозлари қорхонаси тадбиркорлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътиборини қўяётганлиги...

ОЖ

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 28. II

УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатувлари.
18.10 Ушмирлар учун. «Умид учуви».

Сешанба, 1. III

УзТВ I
7.00-9.10 «Ассалом, Ўзбекистон». Тонгги дам олиш кўрсатувлари.
9.10 «Чипполино». Бадий фильм.

«Орак тош эмас». 1-серия.
23.00 Янгликлар.
23.35 Ремиссёр Л. Пчёлкин фильмлари. «Орак тош эмас». 2-серия.

Чоршанба, 2. III

УзТВ I
7.00-9.10 «Ассалом, Ўзбекистон». Тонгги дам олиш кўрсатувлари.
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.

Фильм. «Таллим ва ислоҳот».
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгликлари (АҚШ).
11.25 «Ешлик» студияси. «Садод».

Жума, 4. III

УзТВ I
7.00-9.10 «Ассалом, Ўзбекистон». Тонгги дам олиш кўрсатувлари.
9.10 «Болажон қиз». Бадий фильм.

18.00 Янгликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20, 21.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 Маданият янгликлари.

Шанба, 5. III

УзТВ I
7.00-9.10 «Ассалом, Ўзбекистон». Тонгги дам олиш кўрсатувлари.
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.

18.00 «Дидар» (қозоқ тилида).
16.55 «Умид» (ўзгир тилида).
17.45 «Бу ажиб дунё».
18.00-19.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

Якшанба, 6. III

УзТВ I
7.00-9.10 «Ассалом, Ўзбекистон». Тонгги дам олиш кўрсатувлари.
9.10 «Маҳобдорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон).

АЗИЗ ДҮСҲАЛАР!
Сиз учун энг қулай шароитларда қизиқарли сەяхатга чиқибни истайсизми?
«Иверсон» сەяхат фирмаси Англия, Бирлашган Араб амирликлари, АҚШ, Германия, Малайзия, Ҳиндистон, Исроил, Эрон, Корея, Хитой, Покистон, Сурия, Таиланд ва Туркияга қилинадиган сафарларда энг юқори хизмат даражасига қафолат беради.

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ
ХАЛҚ ХИЗМАТИДА!
1994 йилнинг I январидан ҳаёт сугуртаси шартномаларини тузган жумхуриятимиз фуқароларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида давлат сугурта ташкилотлари сугурта муддатига тутилганда мижозларга тулнандиган сугурта пулларни микдорини қуйидагича оширади:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ
ДИҚҚАТИГА!
Барча алоқа бўлимлари ҳамда қабул қилиш шаҳобчаларида ЭЛЕКТР энергияси учун туловлар қабул қилинмоқда.

Сиз таъини биласизми, электр энергияси сарфлаётганингизни иссиқлик, электр энергияси - йўқ! Сиз фақат булар учун қанча тулаётганингизни биласизми?
«Стройтехника» ҳўсма корхонаси қуйидагиларни ишлаб чиқара бошлади:

ИЖОДҚОР ЕШЛАРИНИГ
ХОВЛИ ТҲЙЛАРИ
ФАРҒОНА шўҳар марказига тушган аҳоли ашайиди-ган мазевлардан бирида - буюн адиб Ойбек номи билан аталувчи қўчада 30 оғилга мўъаллаб қурилган ушун шўҳар ҳўқимлиги еш ижодкорларга совға қилиди.

ТОШКЕНТ КИМЕ-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ
Илмий ходимларни ишга ёлланнинг контракт тизимига ўтиши муносабати билан институт илмий тадқиқот лабораторияларидаги қуйидаги лавозимлар бўйича

И. СОВИР,
«Халқ сўзи» муъбири.
УНИВЕРСИТЕТ БИЛАН
МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ
Пойтахтимидаги О. Солисов номи 249-урта мактаб Тошкент давлат университети билан бир неча йиллардан буюн ҳамкорлик қилиб келади.

Рожий Марғилоний таваллудинини 160 йиллиги

МАҚСАД НЕ ЭДИ, ЖАҲОНА КЕЛДИНГ

Рожий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, меросини қидриб топиш мақсадида узоқ йиллар давомида тадқиқот ишларини олиб боришга тўғри келди.

Бундан ташқари, Шарқшунослик институти кўлемли фондидан сақланган мажмуалардан ўрин олган бир неча шеърлари ва «Туркистон виллояти» рўномасида босилган (1904, 1908 й.) асарларини ҳам учратдик.

Шеърлатга, гўзалликка ва нафосатга муҳаббат қўйган Рожий давлат ишларидан ортган кўп вақтини шоир ва олимлар ўртасида, ўтказилган адабий йиғинлиқларга, шеърхонликка, санъаткорлар, халқ қизиқчилари, ақшичилик ва оқдиди меҳнатчилар билан бўладиган суҳбатларга бағишларди.

лан Муқимий орасидаги муносабатларни курсатувчи фактлар асосида яратилганлиги, шубҳасиздир. Рожий ўз замонасининг кенг маълумоти, илғор фикрли кишилардан бўлганлиги учун рус шарқишунослиқ олимлари жумладан академиклар В. Бартольд ва А. Самойлович билан алоқанда бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар жуда кўп манбаларда, ҳужжатларда мавжуд.

Рожий яшаб ижод қилган жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўзига хос услубда ёритилган. Шеърлардаги лирик қаҳрамоннинг барча кечими, ҳис-туйғулари, саргузаштлари шоир қисматида далолат беради.



Спорт • спорт • спорт Қишки Олимпиада кундалиги

СИ-БИ-ЭС телекомпаниясининг ахборотига қараганда, қишки Олимпиада ўйинларига америкаликлар бу йилгидек катта қизиқиш билан қарашмаган.

учта кумуш медалини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида Норвегия, Россия, Италия ва Германия терма жамоаларидан сўнг бешинчи погонани эгаллаб туришибди.

ЛИНА ЧЕРЯЗОВА — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ
Ўзбекистонлик халқаро везининг Лиллехаммер шаҳридаги қишки Олимпиада Фристайл бўйича жаҳон чемпиони ва жаҳон кубогининг соҳибаси Лина Черязова эндиликда олимпиада чемпионини ҳам олди.

Advertisement for 'Тексуна' (Texuna) featuring clothing and shoes. Includes text: '21-26 февраль кунлари ўнказилардан кўрғазмага қуйидагилар ҳавола қилнади: Болалар кийимлари - Чико (Италия) Эркаклар ва аёлларнинг кийим ва пойабзаллари - Тексуна, Бартер Групп (Швеция) Видео, аудио ва телетехника - Панасоник, Хитачи (Япония) Автомобиллар - Вольво (Швеция) Телекоммуникациялар - Эриксон (Швеция) Озиқ-овқат маҳсулотлари - Бартер Трейд (Швеция) Кўрғазма соат 10:00 дан 17:00 гача қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси, 45 (Кооперация уйи). Тўғридан-тўғри шартномалар манфаатлидир. Шикониятингизни қўлдан берманг!

Халқ сўзи Народное Слово
ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи»], Эркин ВОҲИДОВ, Мирмавал МИРАЛМОВ, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ [бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»], Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»], Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъул котиб, «Народное слово»], Шавкат ЯҲЕВ, Пирмақол ҚОДИРОВ, Муҳаммаддин ҚОРАБОВ, Саидхон Гуломов.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир Ж. Сафоев, навбатчи ў. Гойинов.